

COVID-19 ПАНДЕМИЯ ЭПИДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА МАМЛАКТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ

Остонов Ўткир Янгибоевич –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқодчиси

Аннотация: Мақолада Covid-19 пандемия-эпидемияси шароитида мамлакатимизда қишлоқ туризмни ташкил этиш ҳолати, ташкилий-ҳуқуқий асослари ва ҳудудлари, коронавируснинг 2021 йилда глобал ЯИМ ўсишига таъсири ҳамда Европадан Ўзбекистонга сайёҳ олиб бориш билан шуғулланадиган тадбиркордан пандемия унинг бизнесига қандай таъсир қилгани ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: иқтисодий зарба, иқтисодий инқироз, учоқ, халқаро порвоз, халқаро сайёҳлик, ҳаво ширкати, ҳамкасблар, тиббиёт тизими.

СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ТУРИЗМА В НАШЕЙ СТРАНЕ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ ЭПИДЕМИИ COVID-2019

Остонов Уткир Янгибоевич –
Самаркандский институт экономики и сервиса
самостоятельный соискатель

Аннотация: В статье рассматривается состояние развития сельского туризма в нашей стране в контексте эпидемии Covid-19, организационно-правовая база и регионы, влияние корона вируса на рост мирового ВВП в 2021 году и то, как пандемия повлияла на него бизнес.

Ключевые слова: экономический шок, экономический кризис, самолёт, международный рейс, международный туризм, авиакомпания, медицинская система.

STATE OF DEVELOPMENT OF RURAL TOURISM IN OUR COUNTRY IN THE CONTEXT OF THE PANDEMIC EPIDEMIC COVID-19

Ostonov O'tkir Yangiboyevich –
Samarkand institute of economics and service
Independent researcher

Abstract: The article discusses the state of development of rural tourism in our country in the context of the Covid-19 Pandemic epidemic, the organizational and legal framework and regions, the impact of coronavirus on global GDP growth in 2021 and how the pandemic affected to the business from Europe to Uzbekistan.

Keywords: economic shock, economic crisis, aircraft, international flight, international tourism, airline, medical system.

Кириш. Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра жорий йилнинг натижа кўрсаткичларини 2019 йил кўрсаткичлари билан таққослаганда COVID-19 пандемияси туфайли туристлар оқимини тўхтатилиши оқибатида халқаро туристлар сонининг 98 фоизга қисқаришига олиб келган ва бунга мутаносиб равишда 2020 йилнинг январ ва май ойлар оралиғида халқаро туристик тушумларни камайишини келтириб чиқарган. Халқаро сайёҳлар сонининг 300 миллионга қисқариши оқибатида халқаро туризм тушумлари 320 миллиард АҚШ доллари миқдорига камайган. COVID-19 пандемиясининг оқибатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг деярли барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳаммага маълум. Шулардан бири, бу – туризмдир. Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра, ҳозирда 90 нафар давлат туристлар учун тўлиқ ёки қисман ёпилган; 209 йўналиш, яъни дунёдаги барча йўналишларнинг 96% га

бориш чекланган; туризм саноати 22 млрд доллар миқдорида зарар кўриши мумкин [5].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Иқтисод фанлари номзоди, таҳлилчи Сапарбой Жубаевнинг фикрича пандемия ривожланган давлатлари билан солиштирганда, Марказий Осиё мамлакатларига камроқ таъсир кўрсатиши мумкин [6]. Чунки уларнинг ЯИМдаги хизматлар улуши камроқ. Масалан, Италияга ўхшаш ривожланган давлатларда қишлоқ туризм соҳаси яхши ривожланган. Шу боис, уларнинг пасайиш суръати ҳам катта бўлади. Яъни бу давлатларда ЯИМ камайиши 5-6% гача бўлиши кузатилмоқда. Марказий Осиё республикалари хизматлар ҳажми камайиши ҳамда нефт ва газ нархларининг тушиши билан боғлиқ ишлаб чиқаришига салбий таъсири 1-2% атрофида бўлиши мумкин. Шунда ҳудуд бўйича умумий ўсиш 2020 йилга мўлжалланган 5-6% эмас балки 3-4% бўлиши мумкин.

Шу билан биргаликда и.ф.д, профессор Раҳимова Дилфуза Нигматовнанинг “Коронави-

рус пандемиясининг глобал иқтисодий таъсири ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкор мамлакатларига таъсири” мақоласида коронавирус пандемиясигача бўлган даврдаги иқтисодий ривожланиш ва пандемиянинг глобал иқтисодий таъсири ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкор мамлакатларига салбий таъсири ҳақида чуқур иқтисодий таҳлил ўтказилиб, инқироз шароитида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар илгари сурилган[7].

Ўзбекистонда туризм соҳаси экспертларидан бири сифатида танилган бир муддат Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси маслаҳатчиси лавозимида ишлаган Беҳруз Ҳамзаевнинг фикрича авиакомпанияларнинг аксарият фоизи банкротга учраши, Ўзбекистон пандемия шароитида туризмга бор эътиборини қаратиши зарурлиги ва Ўзбекистонни бой туристлар ташриф буюрадиган мамлакатга айлантириш бўйича ўзининг хулосаларини берган[4].

Тадқиқот методологияси. Мақолада абстракция, анализ-синтез, индукция-дедукция, математик моделлаштириш ҳамда диалектик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Коронавирус глобал иқтисодий инқироз ҳавфини вужудга келтирди. Экспертларнинг фикрига кўра, келгуси 12 ой ичида глобал иқтисодий инқирозни вужудга келиши эҳтимоли 43 фоизга тенг. Дастлаб Хитойда аниқланган COVID-19 коронавируси билан зарарланган беморлар сонининг ўсиш суръатлари кескин камайди, аммо Хитойдан ташқарида – дунёнинг бошқа мамлакатларида ушбу вируснинг тарқалиш географияси кун сайин кенгаймоқда, коронавирусга чалинган беморлар сони эса юқори суръатларда ўсмоқда. Жумладан, Италияда аниқланган ҳолатлар сони 12 мингдан ошди, Эронда – 10 мингга, Жанубий Кореяда эса 8 мингга яқин киши зарарланган. Бугунги кунга келиб янги турдаги коронавирус дунёнинг 114 та давлатларида аниқланди.

Сўнгги бир неча ҳафтада янги турдаги коронавируснинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири дунёнинг барча етакчи ОАВларида фаол муҳокама қилинаётган бўлса, глобал молиявий бозорларда актив ва индексларнинг кескин – драматик тарзда пасайиши кузатилмоқда. Бошқача айтганда, COVID-19 коронавируси нафақат инсонлар организмига, балки уларнинг иқтисодий ҳаётига ва глобал молиявий бозорларга ҳам “кириб келди”.

Uzanalytics.com сайтнинг ёзишича, молиявий активлар, глобал бозорлар ва мамлакатлар иқтисодиёти таҳлили бўйича етакчи таҳлилий компаниялардан бири ҳисобланадиган Focus Economics жорий йил февраль ойининг ўрталаридан бошлаб коронавируснинг жаҳон иқтисодиётига таъсири ва унинг иқтисодий

оқибатлари бўйича етакчи экспертлар орасида сўров ўтказиб келмоқда. Куни кеча, ушбу компания 11 март куни якунланган сўнгги сўров натижаларини эълон қилди. Мазкур сўровномада бутун дунё бўйлаб 54 та етакчи иқтисодчи ва молиявий таҳлилчилар иштирок этган[7].

Сўровномада экспертларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинган:

1. Коронавируснинг 2020 йилда глобал ЯИМ ўсишига таъсири қандай?

2. Коронавируснинг жаҳон иқтисодиётига 2020 йилдан кейин ҳам таъсири бўладими?

3. Келгуси 12 ой ичида глобал иқтисодий инқирознинг эҳтимоли қандай?

4. Коронавируснинг 2020 йилда Хитой, Жанубий Корея, Италия ва Эрон давлатлари ЯИМининг ўсишига таъсири қандай?

Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, аввалги (3 мартда эълон қилинган) сўров натижаларига нисбатан, экспертлар коронавируснинг глобал иқтисодиётга таъсири янада юқори даражада баҳоламоқдалар.

54 та экспертнинг ярмидан кўпи, яъни 57 фоизи, бу йил глобал ЯИМнинг ўсишини 0,5 фоизли пунктга камайишини, уларнинг 20 фоизи эса бу кўрсаткични 1,0 фоизли пунктга камайишини прогноз қилишди.

Коронавирус пандемиясининг авж олиши ва оқибатда дунё бўйлаб давлатларнинг карантинга кириши сайёҳлик соҳасига қаттиқ зарба берди. Парвозларнинг бекор қилиниши, чегараларнинг ёпилиши ортидан март ойидан бошлаб жаҳон бўйлаб хорижий меҳмонлар рақамларининг кескин тушиб кетишига олиб келди. Сайёҳлик ширкатлари ва меҳмонхона бизнеси гуллаб яшнаши керак бўлган ёз ойларининг бошига келиб бу кўрсаткич нолга тенглашди. Ўзбекистон ҳам миллий ҳаво ширкатидан тортиб, меҳмонхоналар ва оддий гидларгача ҳар бир соҳага таъсир қилиб бу оқимдан четда қолмади.

Дунё бўйлаб ёйилган карантиннинг таъсири қаттиқ ва тез бўлди. Сайёҳлик, транспорт ва меҳмонхона соҳасидаги минглаб одамлар ҳаётида ноаниқлик даври бошланди.

Анвар Шерматов Германияда «Давра» ўзбек-олмон жамияти раиси ва сайёҳлик соҳасида тадбиркорлик қилади. Европадан Ўзбекистонга сайёҳ олиб бориш билан шуғулланадиган тадбиркордан пандемия бизнесига қандай таъсир қилгани ҳақида сўрадик. Анвар Шерматов 2020 йилги мавсум учун бошқача тайёргарлик кўрганди. Анвар Шерматов Би-биси билан суҳбатда 2020 йил сайёҳлик бизнеси учун ҳар йилгидан ҳам ўзгачароқ тайёргарлик кўрганини, бироқ коронавирус барчасини барбод қилганини айтди. "Сайёҳлик бизнеси билан шуғулланаман. 2020 йилга ҳар йилгидан ҳам бошқача тайёргарлик қилган эдик, Facebook, Google орқали реклама учун пул

тикдик, сайёхлик ярмаркаларида қатнашдик. Каталоглар чиқариб тарқатдик, ҳамкорларимиз билан янада жипс ишладик. Хуллас, 2020 йил шу вақтгача бўлган туристик сезонлар ичида энг яхшиси бўлиши кутилаётган эди. Билганингиздек, тўсатдан COVID-19, биз учун даҳшатли хабар бўлди", дейди у. Тадбиркорнинг таъкидлашича, март ойининг ярмигача мавсум тўхтамаслигидан умид қилишган. "Мартнинг яримларигача умидимизни узмадик, «Ўзбектуризм»га ёздик, Ўзбекистон бўйича аниқлик киритишларини илтимослар қилдик, аммо кутилганидек ҳамма давлатлар дарвозаларини ёпди. Апрельдан бошлаб кетма кет бориши аниқ бўлган группаларимизни ҳаммасини (кузги сезондан ташқари) бекор қилдик, иложи бўлганларини кузги сезонга, айримларини 2021 йилга кўчирдик, аммо 80 % бекор бўлди".

Тайёргарликларнинг ҳаммаси энди 2021 йилга қаратилган, бир вақтда 3 та веб саҳифа билан бозорда бўламиз, дейди у. Оиласи билан Берлинда истиқомат қилаётган Анвар Шерматов иқтисодий жиҳатдан қийинчиликка дуч келмаган. "Оилам билан Берлинда яшайман, оиламнинг бюджетига салбий таъсир кўрсатгани йўқ, буниям айтишим керак, у тарафдан кўнглим тўқ, Германия тарафдан ҳамкасбларим ходимларини вақтинча ишсиз деб ойлигини давлатдан олиб беряпти, яқиндан бошлаб Европа Иттифоқига саёхат қилишга рухсат берилди, кўпчилиги нормал иш режимига қайтди, лекин асосий даромад олиб келувчи мамлакатлар Европа Иттифоқида эмас, бироз сабр қилишларига тўғри келади", дейди Анвар Шерматов[1].

Таҳлилчиларга кўра, пандемия туфайли туристик соҳа вакиллари таклиф этаётган маҳсулотларини қайта кўриб чиқишни бошлаб юборишган:

- меҳмонахоналардаги ҳар икки номернинг биттасини ишлатиш;
- пляжларда одамлар кўп бир жойда йиғилмаслиги учун тўсиқлар орқали чекловлар қилиш;
- ҳамма нарса қамраб олинган (all inclusive) тўлов турларидан воз кечиш;
- экологик турларни таклиф этиш;
- янги йўналишларни очиш ва ҳ.к.

Айрим сайёхлик агентликлари инқирозга юз тутаятган бўлса-да, яқин ўртада аввалгидек рақобат вужудга келмаслиги тахмин қилинмоқда. Чегараларнинг ёпилиши, турли чекловлар ҳамда кишилардаги хорижга чиқиб касалликни юқтириб олмаслик хавотири сабаб аксарият мамлакатларда ички туризм ривожланиши кутилмоқда. Глобализация давлатлар ўртасидаги чегараларни номинал даражага туширган бўлса, коронавирус тарқалиши вазиятни орқага қайтишга мажбур этди.

Аммо, бундай ҳолат эмлаш ёки самарали даволаш воситалари кашф этилгунга қадар давом этиши, сўнг яна аста-секин ўз изига тушиб кетади, дея оптимистик башоратлар қилса бўлади.

Халқаро парвозлар бекор қилинганидан ва қўшни давлатлар билан чегаралар ёпилганидан сўнг чет эллик сайёхларнинг оқими кескин тўхтади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларни умумлаштиришдан хулосамиз шундан иборатки, узоқ келажакда қишлоқ жойларидаги меҳнат ресурслари ва уларнинг салмоғи ҳозирги даврга нисбатан муйаян даражада камайса ҳам, лекин ушбу кўрсаткич ривожланган Ғарб мамлакатлари кўрсаткичлари даражасига тушиб кетмайди. Модомики шундай экан, қишлоқ жойларида мужассамланган ва мамлакат жами ишчи кучлари таркибида салмоқли ўринни эгаллаб турган улкан меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқда яшаётган ва ишлашга талабгор бўлган ҳар бир кишини муносиб иш ўринлари билан таъминлашда қишлоқ туризмни ривожлантириш яна узоқ йиллар давомида ўзининг аҳамиятини ва долзарблигини сақлаб қолади, деб ўйлаймиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қишлоқ туризмни ривожлантириш заруриятидан келиб чиқиб ушбу туризм турини ривожлантириш мақсадида қуйидаги вазифаларни белгилашимиз лозим бўлади:

- мамлакатимизда сайёхлар учун кўрсатиладиган туристик хизмат турларини ва сифатини ошириш керак чунки юқорида таъкид этилганидек бунинг учун етарли меҳнат ресурслари мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқ жойларида мавжуд;

- мамлакатимизда сайёхларни жойлаштириш, овқатлантириш ва туризмнинг бошқа турларини ривожлантириш мақсадида янги инфратузилма объектларини кўпайтиришимиз керак;

- тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, биргина тарихий Самарқанд шаҳрининг туристик салоҳиятини сақлаб қолиш мақсадида собиқ Сиёб тумани ҳудудини (кўҳна кўчалар, мавзолейлар, қишлоқдаги обидалар, чойхона, уй музейлар, азалий ҳунармандчилик ўчоқлари ва бошқаларини иншоотларни) моддий асраш, реставрация ва консервация қилиш чораларини кўриш;

- азалий ҳунармандчилик макони бўлган Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хоразм ва бошқа вилоят қишлоқларида мавжуд йўқолиб бораётган ҳунармандчиликнинг турларини сақлаб қолиш, "устоз-шогирд" анъаналарини давом эттириш;

- қишлоқ жойларига сайёхлар олиб бориладиган, жойлаштириладиган ва овқатлантири-

ладиган барча маршрутларда санитария – гигиена шаҳобчалари (ҳожатхона) ларини та- лабга жавоб берилишини назорат қилиш;

- Темирийул вокзалида “Афросиёб” тезюарар поезде орқали ташриф буюрадиган сайёҳлар учун ахборот маркази (инфокиоск) ташкил қилиш,

- мамлакатимиз темирийул вокзалларида, халқаро аэропортлар ҳудудида, шунингдек ша- ҳарнинг бошқа гавжум жойларида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган йўналишсиз такси ҳамда норасмий транспорт воситаларининг фаолияти- ни тартибга солиш;

- қишлоқ жойлардаги ҳар бир кўчаларда, обидаларда ҳамда бошқа йўналишларда йўл

белгиларини ўрнатиш, ҳар бир обидаларда тур- никет ва 3 тилда ахборот доскаларини ўрнатиш;

- Самарқанд вилояти мисолида таъкид этадиган бўлсак, масалан Самарқанд қишлоқла- рида анъанавий тарзда ўтказиладиган “Наврўз” умумхалқ байрами, “Самарқанд хунармандлари”, “Самарқанд нонлари”, “Қовун сайли”, “Миллий таомлар ва шарқ ширинликлари кўрғазмаси”, “Улоқ-кўпқари” ва бошқа миллий-маданий бай- рамлар тақвимини ишлаб чиқиш, юқори тайёр- гарлик билан ўтказиш, тадбирлар ҳақида омма- вий воситаларда, айниқса интернет тармоқла- рига намойиш қилиш бўйича режали чора-тад- бирларни амалга оширишимиз лозим бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Чуқур инқироз ёқасидаги туризм: уни қутқаришининг чораси борми? // *kun.uz* 08.05.2020 й
2. Коронавирус энди гуркираётган Ўзбекистон туризмига қанчага тушмоқда? // *kun.uz* 16.07.2020 й
3. Коронавирус пандемиясининг глобал иқтисодий таъсир ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкор мамалакатларига таъсири // *kun.uz* 03.07.2020 й
4. www.lex.uz
5. www.unwto.org
6. www.uzbektourism.uz
7. www.stat.uz
8. *kun.uz*

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маткабулова Дилором Халилullaевна -
Тошкент давлат иқтисодий университети
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг мазмуни, таркиби, функциялари, уни ривожлантиришининг зарурлиги, аҳамияти, амалиёти, ҳуқуқий асослари, жараёнлари, инвестицион имкониятлари ва муаммолари таҳлил қилинган ва мазкур муаммоларни ҳал этишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Туризм, туризм индустрияси, туризм инфратузилмаси, сайёҳ, инвестиция, меҳмонхона, туристик хизмат, бандлик, туроператор, экспорт.

ВОЗМОЖНОСТИ И НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Маткабулова Дилором Халилullaевна -
Ташкентский государственный экономический университет,
самостоятельный соискатель

Аннотация: В статье анализируется содержание, структура, функции туристической инфраструктуры в Узбекистане, необходимость, значение, практика, правовая база, процессы, инвестиционные возможности и проблемы ее развития, а также разрабатываются предложения и рекомендации по решению этих вопросов.

Ключевые слова: Туризм, индустрия туризма, туристическая инфраструктура, туризм, инвестиция, гостиница, туристические услуги, трудоустройство, туроператор, экспорт.

OPPORTUNITIES AND DIRECTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF TOURISM INFRASTRUCTURE IN UZBEKISTAN

Matkabulova Dilorom Khalilullaeva -
Tashkent State University of Economics, independent applicant

Абстракт: The article analyzes the content, structure, functions of tourism infrastructure in Uzbekistan, the need, significance, practice, legal framework, processes, investment opportunities and problems of its development, and also develops proposals and recommendations for solving these issues.

Keywords: Tourism, tourism industry, tourism infrastructure, tourism, investment, hotel, tourism services, employment, tour operator, export.